



РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мурадова Дилдора Абдусалимовна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Молия" кафедраси катта ўқитувччиси

ARTICLE INFORMATION

Volume: 1

Issue: 7

DOI:https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss7/a14

ABSTRACT

Уибу мақоланинг мақсади ривожланган мамлакатлар пенсия таъминоти тизимини ривожланиши ҳолати ва даражасини ўрганини ҳамда унинг ўзиға ҳос хусусиятларини ёритишдан иборат. Шунингдек, ривожланган мамлакатлар пенсия тизимини ислоҳ этишида тўпланган илгор таҳжирбани чўкур таълиғ этиши ва улардан Ўзбекистонда фойдаланиши имкониятларини аниқлаши муҳим аҳамият касб этган. Жумладан, тадқиқотнинг мақсадларга эришиши ўтида муаллиф томонидан тадқиқотлар амалга оширилган ва натижаларга эришишган.

KEYWORDS

"пенсия таъминоти", "ижтимоий таъминот", "мослашувчан ижтимоий ҳимоя", "пенсия жамгармаси", "индексациялаши", "мажбурий жамгарма".

Кириш (Introduction/Введение)

Сўнгги йилларда дунёнинг кўплаб мамлакатларида ижтимоий иқтисодий ва демографик ўзгаришлар сабаб мавжуд пенсия тизимларини ислоҳ этиш зарурити пайдо бўлди. Ўзбекистонда хам охирги йиллarda ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий, ижтимоий ҳамда сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш билан боғлик бўлган муҳим ўзгаришлар рўй берди, шунингдек, пенсия таъминоти тизимида хам. Ўзбекистонда икки босқичли пенсия тизими шаклланди, яъни бирдамлик тизими асосида шаклланган давлат пенсия таъминоти тизими ва жамгари бориладиган пенсия таъминоти тизимлари. Шунингдек, ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлиқ микдорда тўланиши белгиланди, иш ҳақидан ундириладиган мажбурий сугурта бадаллари бекор килинди, пенсия хисоблаш учун аниқланадиган ўртача ойлик иш ҳаки учун белгиланган чегара микдорлари оширилди ва бу ўзгаришларни кўплаб санаш мумкин. Айтиш мумкинки, сўнгги уч йилни пенсия таъминотини ислоҳ этиш даври дейиш мумкин. Жаҳонда пенсия тизимини ислоҳ этишга оид тадқиқотларда дунё ахолисининг кексайиб бораётганлиги, демографик вазиятнинг кескинлашиши, ишсизлик муммосининг авж олиши, яширик иқтисодиётда банд бўлганлар сонининг кўлайши билан боғлик илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. "Жаҳон банкининг берган маълумотларига кўра 1990 йилда дунё ахолисининг деярли ярим миллиардан ортигини 60 ёшдан ошганлар ташкил этган бўлса, 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 1,4 миллиардга етади" [1]. Бундай прогноз пенсияя чикувчиларнинг ошишидан далолат беради. Бу ўз навбатида пенсия таъминоти тизимини ислоҳ килиши борасида халқаро миқёсда доимий равишда илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини таказо этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Дунё олимлари томонидан пенсия ва нафака тушунчаларига оид ўзларининг турии карашлари мавжуд. Хусусан, профессор В.Роинкин илмий ишларida ахолини ижтимоий ҳимоя килишида ижтимоий сугурта тизимининг ўрни, унинг молиявий-иктисодий асослари, ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар билан боғлик бўлган ижтимоий, тиббий ва пенсия сугуртасининг замонавий

институтларини шакллантириш каби масалалар тадқик килинган ҳамда бу орқали ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини тақомиллаштириш асослаб берилган [2]. Шунингдек, А.Шеметов ва С.Орловларнинг илмий хуласаларида, демографик ва бошқа омиллар таъсирини хисобга олган ҳолда миллий пенсия таъминотининг янги тизимини яратиш ва унинг молиявий барқарорлигини мустахкамлаш зарурлиги илгари сурилган [3].

Г.Касимова ва Д.Шолдаровнинг илмий ишларida ахолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида пенсия таъминотининг ўрни ва аҳамияти, пенсия таъминотига молиявий ресурсларнинг хавфсизлиги ва рисклар, пенсия таъминоти маблағларини инвестициялашда рискларни бошқариш ҳамда пенсия таъминоти маблағларини самарали бошқариш масалалари ёритиб берилган[4].

Жумладан Ш.Хамдамов ва Х.Холиковлар тадқиқотида пенсия жамият аъзосининг жамиятдаги меҳнат фаолиятида иштирок этганилиги учун берилади, яъни фукаро меҳнат килиб, тегиши меҳнат стажига эга бўлиб, тегиши пенсия бадалларини тўлаганлиги учун унга ва оила аъзолари учун белгиланган хукуқдир. Нафака эса мoddий жиҳатдан муҳтоҳ бўлганлар учун давлат томонидан бериладиган мoddий кўмакдир. Шунингдек, пенсиялар, фукароларга пенсия олиш хукуки юзага келгандга унинг мoddий ахволидан катъий назар тайинланади, нафака эса шахснинг мoddий муҳтожлигини ва ижтимоий ҳолатини инобатга олган ҳолда тайинланади ва тўланади. Жумладан, пенсия пенсия ёшига етган фукароларга иш стажи даври, ойлик иш ҳаки ва Пенсия жамгармасига тўлаган сугурта бадаллари микдоридан келиб чиқиб тайинланади. Нафака эса катъий микдорларда белгиланади, айрим нафака турлари иш ҳаки микдорига ва бошқа омилларга боғлик бўлади [5]. Европа Иттифоқи мамлакатлари иқтисодиётининг хусусий секторида амал килаётган хусусий пенсия таъминоти дастурларида пенсия сугурта бадаллари сугурталовчи ва сугурталанувчи ўтасидаги келишилган шартномалар асосида хусусий пенсия фондларига жалб этилади. Давлат пенсия таъминоти тизими иқтисодиётинг давлат секторида фаолият юритаётган ишчилар учун амал килиб келган бўлиб, хозирда ушбу пенсиялар микдорини камайтириш ва пенсия таъминоти олиш учун кўйиладиган талабларни кучайтиришга қаратилган чора-

тадбирлар амалга оширилмоқда [6]. Европа Иттифокига азодавлатларда пенсия тизимининг иккита модели мавжуд бўлиб, булар пенсия таъминотининг (миллий) универсал тизими ва сугурта муносабатлари асосида шакллантирилган сугуртавий пенсия тизими. “Европа Иттифоки мамлакатларида ижтимоий соҳа бюджетининг 60 фоизи сугурта ажратмалари ҳисобидан шаклланади” [7]. Бу ўз навбатида пенсия таъминотини амалга оширишда ижтимоий сугуртанинг аҳамияти юкори эканлигини кўрсатади. Пенсия таъминотини қўйидагича таснифлаш мумкин: давлат мажбурий пенсия таъминоти; қўшимча пенсия таъминоти тизими, хўжалик субъектлари томонидан ишчи-ходимлари учун пенсия сугуртасини тўлаш оркали юзага келади; шахсий сугуртавий пенсия дастурлари. Кайд этилган уч даражали пенсия таъминоти тизими Европа Иттифоки мамлакатлари учун характерли бўлиб, уларни ташкил этишда қўйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарур: пенсия таъминоти тизимининг аҳолини камраб олиш миқёси; пенсия тўловларини тўлашдаги шартлар; молиялаштириш манбалари ва тайомиллари. Масалан, хозирги кунда “Буюк Британиядаги пенсия таъминоти хизматининг аҳолини камраб олиш даражаси қўйидагича”: давлат мажбурий пенсия таъминоти – 65 фоиз; қўшимча пенсия таъминоти тизими (хўжалик субъектлари томонидан таъминланадиган пенсия сугуртаси) – 25 фоиз; шахсий сугуртавий пенсия таъминоти – 10 фоиз ҳисобланади [8].

Умуман олганда, ижтимоий таъминот тизимлари учун глобаллашув нафакалар камровининг кискаришига ва мувофиқлигининг пасайишига хизмат килар экан, сабаби ҳукумат бизнес учун мақбул шароитларни яратишга интилган ҳолда, иш берувчиларнинг ижтимоий сугурта тизимларига ажратадиган бадалларининг миқдорини кискартиради ёки пасайтиради. Айни вактда, глобаллашувга боғлиқ равишда вақтинчалик иш ҳақига эга ходимларнинг ижтимоий химояяга эҳтиёжи ўсиб боради. ЕИ мамлакатлари бу вазифани ўзгарувчан меҳнат бозорлари билан юкори даражали ижтимоий химоянинг уйгунлигини назарда тутивчи “мослашувчан ижтимоий химоя” (“flexicurity”) концепциясини ишлаб чиқкан ҳолда ҳали этишига харакат килмоқдалар. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ижтимоий соҳадаги ва бандлик соҳасидаги сиёсатдан меҳнат бозорида катта миқдорларда иш ўрнларини нафакат яратиш мақсадида, балки уларнинг сифатини яхшилаш учун фаол харакатлар воситаси сифатида ҳам фойдаланганлар[9].

Барча мамлакатлар учун янада мукаммал иш ўрнинларини яратиш
мехнат шароитларини яхшилашни ҳам ўз ичига олиши лозим.
Шуниси эътиборга лойикки, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб
чикариш хавфсизлиги каби кўрсаткичларнинг яхшиланиши
аҳолининг саломатлик ва фаровонлик даражасига, иктисодий
ракобатбардошлик ва меҳнат самарадорлигига ижобий таъсир
кўрсатади.

2000-2060 йиллар давомида ЕИ мамлакатларида ўртача кутиладиган умр кўриш давомийлиги эркаклар учун 8,5 йил ва аёллар учун 6,9 йилга узайиши тахмин қилинмоқда. Бироқ тугилиш кўрсаткичлари ахолини такрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган, 1 аёлга 2,1 та бола тўғри келадиган белгидан сезиларли тарзда тушиб кетди. ЕИ мамлакатларида энг юкори тугилиш кўрсаткичлари-Франция ва Ирландияда-тугилиш кўрсаткичи 1 аёлга 2,0 бола тўғри келади ёки ундан камрок. Бироқ Европа мамлакатларининг катта кисимда бу кўрсаткич-бир аёлга 1,4 бола ёки ундан хам пастга teng. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Тоҷикистонда тугилиш кўрсаткичи битта аёлга 3,3 та бола; Қозогистон, Киргизистон, Туркманистон ва Ўзбекистонда-тахминан 2,5 та бола тўғри келади [10].

**Тадқиқотни амалга оширишда фойдаланилган усуллар
(Methods/Методы).**

Таджикинамалга оширишда қўйилган максадларни амалга оширишда мантикий ва таркибий таҳлил қилиш, гурухластириш, иктисодий-статистик таҳлил, ўзаро ва киёсий таққослаш усуспаридан самарали фойдаланилди.

Олингандиң натижалары (Results/Результаты).

Олий ай натижаси (Кесинги таузулашы).
Олий борилган таҳтиллар натижасида Ривожланган мамлакатлар мамлакатлар пенсия таъминоти тизимини ривожланиш холати ва унинг ривожланишини ўзига хос хусусиятлари. Шунингдек, ривожланган мамлакатлари пенсия таъминоти тизимини Ўзбекистонган кўллаш имкониятларини аниқланган ҳамда илмий ва амалий тақлийлар шакллантирилган. Шу билан бирга, бозорнинг

ривожланишига түсик бўлаётган ҳолатлар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари асослаб берилган.

Тахлиллар (Analysis/Анализ).

Жаҳон амалиётида пенсия таъминоти тизимини молиялаштириш учун икки дастурдан фойдаланилади: белгиланган бадаллар (defined-contribution) ва белгиланган тўловлар – ижтимоий нафакалар (defined-benefit). Ушбу тизимлар ижтимоий фондларни (бюджетини) шакллантириши нуқтаи назаридан бир-биридан фарқланади.

“Пенсиянинг белгиланган тўловлар ёки каттый тўловлар дастури – бу ижтимоий дастур бўлиб, бунда келгусидаги пенсиялар фукаронинг сўнгги йиллардаги олган иш хақи миқдорига, унинг индексацияланishiга бояглик бўлади. Бундай бадаллар ишчининг иш хақидан давлат томонидан белгиланган фоиз кўринишида хисобланади”. Белгиланган тўловлар дастури тадбиркорларнинг ажратмалари хисобидан шакллантирилади, ишчиларнинг ўзи мазкур молиялаштириш тизимида иштирок этишмайди. Нафакат, хусусий дастурлар, балки, биринчи навбатда, федерал (давлат хизматчилари ва ҳарбий хизматчиларни қамраб олувчи) дастурлар ҳам белгиланган тўловлар тизими асосига курилгандир. Бирок, 1980-1990 йилларда иктисиодиётнинг хусусий секторида тез суръатлар билан бошка дастурлар – белгиланган бадаллар дастури ҳам ривожланди. Ушбу пенсия дастури тадбиркорлар ва ёлланма ишчилар томонидан тенг улушларда молиялаштириларди. Бунда ушбу дастурнинг ҳар бир иштирокчиси пенсия фондида ўзининг шахсий хисоб-ракамига ва бошқарувчи компания томонидан таклиф килинадиган тури инвестиция дастурларини танлаш хукуқига эга бўлади. Хусусий пенсия дастурларида компаниянинг ҳар кандай ишчиси иштирок этиши мумкин.

Пенсия таъминотининг мухим жиҳатларидан бири – бу ахолини камраб олиш миқёси хисобланади. Шу нуткай назардан ахолини камраб олиш даражасига қараб уч кисмга жаратиб кўрсатиш мумкин, яъни биринчи кисмдапенсия сугуртаси факат шартномаасосида фаолият кўрсатувчи кишиларни назарда тутся (Дания, Швеция), иккинчи кисмда эса шартномаасосида ишловчилардан ташкари ўз хусусий фаолиятига эга бўлганларни камраб олади (Австрия, Италия, Нидерландия) ҳамда учинчи кисмда универсал яъни барча банд бўлган ахолининг пенсия таъминотини ўзида ифода этади (Франция, Швеция, Буюк Британия).

Шунингдек, меҳнат бозорида нобарқарорликларнинг юзага келиши натижасида меҳнатга лаёқатли ахолининг доимий ёки тўлиқ ишга эга бўлмаётганилиги пенсия таъминоти фондларининг молизиёвий холатига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмокда. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий сугурта фондларига келиб тушувчи маблағларнинг камайишига сезиларли таъсир кўрсатмокда. Натижада, пенсия таъминоти тизимида давлат харажатлари улушининг ўсиш тенденциясини кузатиш мумкин. Шартли пенсия хисоб-раками тизими амал килувчи Италия, Польша ва Швеция каби давлатларда давлат харажатларининг кескин ўсмаётганилигини кузатамиз. Бунда мавжуд пенсия таъминоти институтининг шаклланганлиги муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўриш мумкин. Пенсия таъминоти тизимига давлат харажатларининг ЯИМдаги улушининг ўзгариши, асосан, ЯИМнинг ўсиш суръатлари пенсия таъминоти тизимига давлат харажатларининг ўсиш суръатларидан юкори бўлган ёки аксинча.

Жаҳон мамлакатларида пенсия ёши ҳамда мамлакатдаги ўртача пенсия микдорларини кўриб чикамиз (2-жадвал).

2-жавдал маълумотларига эътибор берадиган бўлсак, энг юкори пенсия миқдори Лихтенштейн давлатига 3400 АҚШ долларига тўғри келмоқда. Дания давлати пенсия индекси бўйича ҳам юкори ўринда туриб, пенсияга чикиш ёши 67 ёш баланд бўлишига қарамай, ўртacha пенсия миқдори 3200 АҚШ доллари ташкил килмоқда. Россияда эса жудаям паст кўрсаткични ташкил килмоқда.

2-жавдал

Дунёнинг турли мамлакатларида пенсия ёши ва ўртacha пенсия миқдорлари, 2020 йил

Мамлакатлар	Пенсияга чикиш ёши		Ўртacha пенсия миқдори, АҚШ дол.
	Эркаклар	Айлар	
Лихтенштейн	64	64	3400
Дания	67	67	3200
Нидерландия	65	65	2600
Австрия	65	60	2300
Швейцария	65	64	2000
Швеция	61	61	1900
Норвегия	67	67	1750
АҚШ	67	67	1460
Финляндия	65	65	1400
Германия	65	65	1200
Италия	65	65	1150
Франция	60	60	1150
Испания	67	67	1050
Бельгия	63	63	1000
Греция	67	67	970
Буюк Британия	65	64	760
Португалия	66 ёш 3 ой	66 ёш 3 ой	620
Чехия	65	65	480
Эстония	65	65	470
Польша	65	60	440
Словакия	62	62	440
Венгрия	60	55	420
Латвия	62 ёш 9 ой	62 ёш 9 ой	350
Болгария	65	63	320
Литва	65	65	300
Россия	65	60	220
Хорватия	65	62	200
Белоруссия	60	55	150
Украина	60	60	120
Узбекистон	60	55	55

ЕИ мамлакатларида ижтимоий химоя тизимиға замонавий демографик тенденциялар (аҳолининг табиий кўпайиши даражасига нисбатан туғилишининг камайиши вааҳолининг кариши), иктиносий глобализация ва Европа интеграциясининг кучайиши фаол таъсир кўрсатади. Бундай ҳолат Европа Иттифоки мамлакатларида ижтимоий адолат принциплари ва иктиносий ривожланишнинг устуворлиги ўртасида зиддиятлар юзага келишининг олдини олишга имкон берувчи умумжамият тараққиётининг унсурлари хисобланган иктисиёйт ва ижтимоий ҳаётнинг оптималь мувозанатига эришишининг янги йўлларини излаш зарурлигини кўрсатади.

“Европа Иттифоки мамлакатларида ижтимоий химоянинг 4 та асосий модели етакчилик қиласи: 1) Континентал ёки Бисмарк модели;

2) Англосаксон ёки Беверидж модели; 3) Скандинавия модели; 4) Жанубий Европа модели”.

Бисмарк ёки континентал модельда ижтимоий химоя даражаси билан қасбий фаолият давомийлиги боғлиқ хисобланади. Мазкур модель ижтимоий сугуртага асосланган бўлиб, молиялаштириш асосан иш берувчи ва ишловчиларнинг сугурта бадаллари хисобидан амалга оширилади.

Аҳолини ижтимоий химоя қилишда Беверидж модели муҳим ўрин тутади. Мазкур модель Буюк Британияда асос топган бўлиб, максади моддий ёрдамга муҳтоҷ барча фуқароларга бирдек ёрдам кўрсатиш хисобланади.

References:

1. J.P.Tursunov. Reforms in pension supply system in Uzbekistan. European Journal of Research. №3. 2019. P 43
2. Ройк В.Д. Социальное страхование в меняющемся мире: каким будет выбор России? – СПб.: Питер, 2014. – 352 с.
3. Орлов С.Н., Шеметов А.П. Пенсионное обеспечение в Российской Федерации. Монография. – Курган: “Изд-во Курганского гос. унта”, 2013. – 106 с.
4. Касимова Г., Шолдоров Д. Пенсия таъминоти маблағларини бошқариш. Монография. – Т.: “ТМИ”, 2017. – 225 б.
5. Ш.Ҳамдамов, Ҳ.Холиков. “Пенсия” ва “нафақа” деференциацияси хусусида. “Халқаро молия ва хисоб” илмий электрон журнали. № 4, август, 2019 йил.
6. Б.С.Маматов ва б. Чет мамлакатлар пенсия тизими. Дарслик. – Т.: “ИКТИСОД-МОЛИЯ”, 2019. – 81 б.
7. Ижаева А.Р. Концепция развития пенсионной системы Российской Федерации в посткризисный период: автореф. к.э.н. – Москва: ФГБОУ ВПО Гос. Унив. Управ.2013. – С. 31.
8. Волков Я. Моделирование пенсионных реформ и оценка неявного пенсионного долга // Вопросы экономики. –Москва, 2009. - №4. – С. 113-127.
9. Касимова Г.А., Ботиров А.А. Ижтимоий соҳа: бошқариш ва молиялаштириш. Монография. Тамаддун нашриёти. Тошкент давлат шарқшунослик институти. Т.: 2016. -216 б

Ижтимоий химоянинг Скандинавия модели Дания, Швеция ва Финляндия давлатларига тегишли бўлиб, ижтимоий химоя масаласи фуқаронинг қонуний хуқуки сифатида белгилаб кўйилган. Скандинавия моделида жамият аъзолари учун ҳар қандай ижтимоий хизматлар ва тўловлар кафолатланади. Молиялаштириш асосан соликлар хисобидан амалга ошириллади.

Жанубий Европа модели Италия, Испания, Греция ва Португалия мамлакатлари учун хос бўлиб, ушбу модели ривожланётган модел сифатида эътироф этиши мумкин. Моделнинг асосий хусусияти ижтимоий химоя масаласи қариндош-уруглар ва оиласлар томонидан амалга оширилиши зарурлиги белгилаб кўйилган.

ЕИ мамлакатларида 65 ва ундан катта ёшдаги аҳоли сонининг ортиб бораётганилиги натижасида пенсияга чикиши ёши ва меҳнат бозорига кекса аҳолини ҳам жалб килишга қаратилган чоратадибирларни амалга ошириш бошланди. 2009 йилда нашр этилган “Қариш тўгрисидаги хисобот”да 2060 йилга қадар бўлган муддатда ЕИ мамлакатларида аҳолининг қариб бориши билан бир қаторда ижтимоий таъминот харажатлари таркибида пенсия харажатлари улуши ортиб бориши, шунингдек, макроқитисодий кўрсаткичларнинг (ЯИМ, бандлик, жами аҳоли сони ва х.к.) ўзгариши ҳақида маълумотлар келтирилган. Мазкур хисоботда ЕИ мамлакатларида пенсия ёшини оптимал даражада ошириб бориши билан бирга, меҳнат бозорида кекса ёшдаги аҳоли катламлари учун фаол бандлик сиёсатини кўллаш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Натижалар интерпретацияси (Discussion/Обсуждение).

Ушбу тадқиқотни амалга ошириш давомида куйидаги саволлар пайдо бўлди ва уларга куйидагича жавоблар шаклланди: Ривожланган мамлакатлар пенсия таъминоти тизимининг назарий асослари ва аҳолини ижтимоий химоя килиш тизимидағи ўрни? хорижий мамлакатлarda пенсия таъминоти тизими таҳлили ва асосий тенденциялари? Пенсия таъминоти тизимини ривожлантиришнинг илгор хориж тажрибаларидан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари? Мазкур тадқиқотни амалга ошириш давомида ушбу саволларга асосли жавоблар шакллантирилди.

Мақола бўйича хуласа ва тақлифлар (Conclusions/Заключения). Юкорида амалга оширилган таҳлиллардан келиб чиккан холда хуласа килиши мумкинки, тараккий этган мамлакатларда ижтимоий химоянинг турли институтларини камраб олувчи пенсия тизимининг турли моделлари, жумладан, давлат пенсия таъминоти, мажбурий ижтимоий сугурта, шахсий ижтимоий сугурта ва хусусий жамғарид бориладиган пенсия моделлари кўлланиллади. Бунда “жамғариладиган” ва “таксимланувчи” моделлар асосидаги “комбинациялашган” модел устувор аҳамият қасб этади. Жумладан, Европа Иттифоки мамлакатларида шакллантирилган пенсия таъминоти тизимини иккӣ ийрик модельга жратиши мумкин: пенсия таъминотининг (миллий) универсал тизими; сугурта муносабатлари асосида шакллантирилган сугуртавий пенсия тизими. Жаҳон тажрибасида ҳеч бир давлатда тўлиқ жамғариладиган ёки таксимланувчи пенсия таъминоти мавжуд эмас.